

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
“TBC Bank” Акциядорлик тижорат банкининг  
ягона таъсисчи  
“TBC BANK GROUP PLC” компанияси  
томонидан  
Компаниянинг ваколатли шахси  
Р.Талахадзе \_\_\_\_\_  
08.07.2020 йил Қарор №44

**“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**  
Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини  
ривожлантириш агентлиги  
Агентлик директорининг ўринбосари  
Д.Р. Мухамедов \_\_\_\_\_  
30 июль 2020 йил № РО 911-2

**“TBC Bank” акциядорлик тижорат банки акцияларини  
қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор.**

|                               |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |
|-------------------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Берилган идентификацион рақам | R | U | 1 | 0 | 2 | P | O | 9 | 1 | 1 | R | 4 |
|-------------------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**101 746 927 дона оддий, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз акциялар.**

**Акцияларнинг номинал қиймати 1000 сўм.**

**Акцияларни жойлаштириш банкнинг ягона асосчисига ёпиқ обуна орқали амалга  
оширилади.**

**Ушбу акциялар эмиссияси иккинчи ҳисобланади**

“TBC Bank” АТБ ягона асосчисининг 8 июль 2020 йилдаги 44-сонли қарори асосида “TBC Bank” АТБнинг ягона асосчисининг 8 июль 2020 йилдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, алоқа телефонлари ва электрон почта манзили:  
Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 118/1.  
Тел.: (78) 777-27-27. Электрон почта манзили: [contact@tbcbank.uz](mailto:contact@tbcbank.uz).

**Бошқарув Раиси в.в.б.**

**С. Туляганова**

**(имзо)**

**Бош бухгалтер**

**А.А. Назирова**

**(имзо)**

*Мухр*

Сана: 08.07.2020й.

**Қимматли қоғозларни чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш хизматини кўрсатган  
инвестиция маслаҳатчисининг номи: “DALAL STANDARD” МЧЖ**

**Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси: 30.04.2020 йил №1**

**Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.Ш. и имзоси:**

*(муҳр)*

**Н.М. Усмондинов**

**(имзо)**

Сана: 08.07.2020й.

**1. Ушбу чиқарилаётган эгасининг номи ёзилган акцияларнинг тури: оддий.**

**2. Ушбу акцияларни чиқариш шакли: ҳужжатсиз.**

**3. Ушбу чиқарилаётган акцияларнинг номинал қиймати: 1000 сўм.**

**4. Ушбу чиқарилаётган акциялар сони: 101 746 927 дона.**

**5. Ушбу эмиссиянинг умумий ҳажми: 101 746 927 000 сўм.**

**6. Ушбу чиқарилаётган акция эгасининг ҳуқуқлари:**

Акция эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

уни банк акциядорлари реестрига киритиш;

инвестиция воситачисидан ўзи билан боғлиқ депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;

банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар шаклида олиш;

банк тугатилган тақдирда мол-мулкнинг бир қисмини ўз улушига мувофиқ олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш йўли билан банкни бошқаришда иштирок этиш;

банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида белгиланган тартибда тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

олинган дивидендларни эркин тасарруф этиш;

ўз ҳуқуқларини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек, судда ҳимоя қилиш;

етказилган зарарни белгиланган тартибда қопланишини талаб этиш;

ўз манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бирлашмаларда ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларда бирлашиш;

мумкин бўлган йўқотишлар, шу жумладан қимматли қоғозларни сотиб олишда фойда йўқотиш билан боғлиқ хавфларни суғурта қилиш;

шунингдек, қонун ҳужжатларида ва Банк Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

**7. Банк Уставида ва/ёки эмиссия тўғрисидаги қарорда ушбу чиқарилаётган акцияларни сотиб олиш бўйича ҳар қандай чекловлар:** Ушбу чиқарилаётган акция “TBC BANK GROUP PLC” компания банкининг ягона таъсисчисига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

**8. Банкнинг устав капитали:** 120 000 000 000 сўм.

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони:** Илгари жойлаштирилган оддий акциялар сони 120 000 000 дона. Имтиёзли акциялар банк томонидан чиқарилмаган.

**10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва тоифаси бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** Облигациялар илгари чиқарилмаган.

**11. Мазкур чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш шартлари ва тартиби;**

**11.1. Ушбу чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):** Ушбу чиқарилаётган акциялар “TBC BANK GROUP PLC” компания банкининг ягона таъсисчисига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

**11.2. Ушбу чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш муддати:**

Акцияларни жойлаштириш акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир ой ичида амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси: акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб биринчи кун.

Акцияларни жойлаштиришнинг тугаш санаси: акциялар чиқарилишининг охириги акция жойлаштирилган кун, лекин акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмаган ҳолда.

**11.3. Ушбу чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби:**

Акцияларни жойлаштириш “TBC BANK GROUP PLC” компания банкининг ягона таъсисчига ташкил этилмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан амалга оширилади:

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни қайд этувчи инвестиция воситачисининг тўлиқ корпоратив номи, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи, почта манзили, телефон рақами:**

**Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумот:** Давлат корхонаси “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси”. 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107. Телефон: (71) 267-37-42

**Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни қайд этувчи инвестиция воситачиси тўғрисидаги маълумотлар:**

“DALAL STANDARD” масъулияти чекланган жамият. 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107. Телефон: (71) 268-04-01.

**11.5. Ушбу жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:**

Мазкур чиқарилаётган акциялар “TBC BANK GROUP PLC” компания банкининг ягона таъсисчига ёпиқ обуна бўйича жойлаштирилаётганлиги сабабли, жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш таъминланмаган.

**11.6. Ушбу чиқарилаётган акцияларнинг қиймати (нархлари) ёки жойлаштириш нархини аниқлаш тартиби:** Акциялар бозор нархида, аммо номинал қийматидан кам бўлмаган ҳолда жойлаштирилади.

**11.7. Акциялар қийматини тўлаш шартлари ва тартиби:**

Акциялар қийматини тўлаш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасидаги пул маблағлари орқали сўмда амалга оширилади.

Акциялар қийматини пул маблағсиз тўлаш кўзда тутилмаган.

Акциялар қийматини тўлаш нақд пулсиз шаклда банк ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**11.8. Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар учун тўлов сифатида олинган маблағларни қайтариш тартиби:**

Акцияларнинг чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда:

акциялар чиқарилиши амалга ошмай қолган деб эълон қилинган кундан эътиборан икки иш куни ичида муҳим факт тўғрисидаги маълумотлар (акция чиқарилиш амалга ошмай қолган деб эътироф этиш, муҳим факт №28) банкнинг [www.tbcbank.uz](http://www.tbcbank.uz) корпоратив веб-сайтида ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz) расмий веб-сайтида - Ягона корпоратив ахборот порталида жойлаштирилади;

акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган кундан эътиборан ўн кун ичида акциялар учун тўлов сифатида олинган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтарилади.

**12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни эмитент томонидан ошкор қилиш тартиби:**

Акцияларни чиқариш тўғрисидаги маълумотлар банкнинг [www.tbcbank.uz](http://www.tbcbank.uz) корпоратив веб-сайтида ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайти [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz) – Ягона корпоратив ахборот порталида жойлаштирилади.

Акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ва асл нусхаси билан Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 118/1-уй манзили тел.: (78) 777-27-27 бўйича танишиб чиқиш мумкин.

### **13. Бошқа маълумотлар.**

#### **13.1. Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:**

“Тибиси Банк” акциядорлик тижорат банки, “Тибиси Банк” АТБ.

Мазкур қарорнинг титул варағида банк номи (ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ташқари) давлат тилида – “TBC Bank” акциядорлик тижорат банки, “TBC Bank” АТБ, қарор матни бўйича - “Банк” деб аталади

#### **13.2. Банк рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган. 2020 йил 11 апрелдаги 8/1-сонли Бошқарув қарори.

#### **13.3. Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йил 11 апрелдаги 86-сонли лицензия;

#### **13.4. Банкнинг ягона таъсисчиси тўғрисидаги маълумотлар:**

“TBC BANK GROUP PLC” компанияси масъулияти чекланган жамият ҳисобланади. 2016 йил 26 февралда 10029943-сон билан рўйхатга олинган. Буюк Британия юрисдикцияси.